



Value – in the prism of axiolinguistics and linguoculturology

Farxad USMANOV¹

Andijan State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received September 2024

Received in revised form

10 October 2024

Accepted 25 October 2024

Available online

15 November 2024

Keywords:

culture,
linguoculture,
linguocultural studies,
linguocultural analysis,
axiolinguistics,
cultural norm,
stereotype,
value “friendship”.

ABSTRACT

This article examines the object of study in linguacultural studies and axiolinguistics, focusing on the methods used to approach this object, as well as the commonalities and differences between these two fields. It describes the philosophical and social essence of the phenomenon of value and provides a definition from a linguacultural perspective, emphasizing the importance of investigating values within this framework. The article also demonstrates that linguacultural studies regards language as both a means and an embodiment of culture, exploring it not only as an expression of values but also as a carrier of national and cultural norms, stereotypes, and cultural codes.

By defining national values as meaningful, ideal phenomena that receive positive evaluation in a nation's life—driving aspirations, regulating social relations, and eliciting positive emotions—this study underscores how values extend beyond mere objects (e.g., tangible items or monuments) and reveals their deeper essence. Finally, drawing on these theoretical foundations, the article analyzes one of the Uzbek people's significant social values—friendship—and uncovers the cultural norms and stereotypes associated with it.

2181-3701/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-3701-vol2-iss6-pp210-216>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Қадрият – аксиолингвистика ва лингвомаданиятшунослик призмасида

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

маданият,
лингвомаданият,
лингвомаданиятшунослик,

Мақолада лингвомаданиятшунослик ва аксиолингвистиканинг ўрганиш объекти, объектга ёндашув методлари тавсифланган, улар ўртасидан муштарак жиҳатлар

¹ DSc, Associate Professor, Andijan State University, Andijan, Uzbekistan. E-mail: ufarhod001@gmail.com

лингвомаданий таҳлил,
аксиолингвистика,
маданий меъёр,
стереотип,
дўстлик қадрияти.

ва тафовутлар кўрсатилган. Қадрият феноменининг фалсафий ҳамда ижтимоий моҳияти ёритилган, унинг лингвомаданий нуқтаи назардан таърифи келтирилиб, уни айнан лингвомаданий жиҳатдан ўрганишнинг аҳамияти таъкидланган. Шунингдек, лингвомаданиятшунослик тилга маданиятнинг воситаси ва воқелантирувчиси сифатида қараб, тилни фақат қадрият ифодачиси сифатида эмас, миллий-маданий меъёрлар, стереотиплар ва маданий кодларни ташувчи сифатида тадқиқ этиши далилланган. Миллий қадриятнинг миллат ҳаётида ижобий баҳоланувчи, ўзига нисбатан интилиш уйғотувчи маълум поғонавийликда жойлашган, жамиятда ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ва унинг аъзоларида ижобий ҳиссиёт уйғотувчи мазмун, идеал ҳодисалар сифатида таърифланиши қадриятларни ҳиссий объекти (нарс-буюм ёки обида) сифатида тор тушунишнинг олдини олади ва унинг моҳиятини тўлиқроқ англашга имкон беради. Мақолада юқорида келтирилган назарий асосларга таяниб, ўзбек миллий ижтимоий қадриятларидан бўлган дўстлик қадрияти таҳлил этилган, унга оид бўлган маданий меъёр ва стереотиплар аниқланган.

Ценность – в призме аксиолингвистики и лингвокультурологии

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

культура,
лингвокультура,
лингвокультурология,
лингвокультурологический
анализ,
аксиолингвистика,
культурная норма,
стереотип,
ценность “дружба”.

Статья посвящена изучению объекта лингвокультурологии и аксиолингвистики, методам их исследования, а также выявлению общих черт и различий между этими направлениями. Рассматривается философская и социальная природа феномена ценности, даётся его определение с позиции лингвокультурологии, подчёркивается важность исследования этого явления с учётом культурных и языковых аспектов. Доказано, что лингвокультурология рассматривает язык не только как средство выражения ценностей, но и как носитель национально-культурных норм, стереотипов и культурных кодов. Определение национальных ценностей как идеальных и содержательных явлений, которые высоко оцениваются в жизни нации, вызывают стремление, регулируют социальные отношения и формируют положительные чувства у членов общества, позволяет преодолеть узкое понимание ценностей исключительно как материальных объектов (вещей или памятников). Это раскрывает их сущность и способствует более глубокому осмыслению феномена. На основе представленных теоретических основ в статье проводится анализ одной из национальных социальных ценностей узбекского народа

— дружбы. Рассматриваются культурные нормы и стереотипы, связанные с этим понятием, что позволяет более полно понять его значение в национальном и культурном контексте.

SUMMARY

Modern linguacultural studies is a scientific field that can incorporate achievements from various disciplines, focusing on human beings and their culture. This orientation reflects the anthropocentric and polyparadigmatic features characteristic of contemporary linguistics. If we consider one of the most pertinent subfields of linguacultural studies linguaconceptology we find that all linguacultural concepts are grounded in values. Without values, it is impossible to develop a national concept, because cultural concepts themselves rest on values. Equally, forming a national linguistic worldview would be impossible without considering values, given that this worldview is itself value-based. Consequently, understanding values sheds light on the national mentality expressed through language.

In any linguistic culture, elements of reality likely acquire their names depending on the significance people attach to them. Thus, the most important objects and events in one's life are named first, standing out from the general mass. This process of assessing importance and identifying value is precisely what assigns meaning. Such an assessment transforms the surrounding environment from chaos into an interconnected system with a distinct order. Hence, nomination or semantics in a broader sense cannot exist without the category of value.

Linguacultural studies, in particular, enable us to grasp how objects of the real world, beyond their direct functions, also serve as cultural codes carrying additional information. Consequently, some definitions of this discipline highlight its role in studying cultural values through language [1].

The purpose of this article is to explore values from a linguacultural perspective and, through these values, to identify national cultural norms and stereotypes. Drawing on Uzbek folk proverbs and analogies, the article demonstrates that, according to Uzbek national stereotypes, friendship is most closely linked to loyalty and, in the national mindset, intertwined with kinship ties. Relatives can be truly faithful only when they become friends. Moreover, the code of friendship demands standing by one's friend in both times of happiness and sorrow.

КИРИШ

Қадрият феномени кенг қамровли бўлиб, фалсафа, маданиятшунослик, жамиятшунослик ва тилшунослик каби фанлар учун қизиқиш объекти бўла олади. Таъкидлаш керакки, қадриятлар субстанция эмас, муносабатдир. Қ.Назаров “кундалик ҳаётда кўпчилик томонидан қўлланиладиган қадрият ибораси одамлар учун бирор зарур аҳамият касб этадиган объект, нарса, ҳодиса ва бошқаларга нисбатан ҳам ишлатилиши”[2, 61] ни қайд этиб, қуйидагиларни баён этади: “Қадриятни фалсафий-аксиологик тушуниш унинг кундалик ҳаётдаги ишлатилиш маъносидан фарқ қилади. Бу эса қадрият тушунчасини унинг ўзи боғлиқ бўлган объектдан фарқлаш (асло ажратиш эмас) билан бирга, уни объектларнинг турли жиҳатлари (фойдалилик, кераклилик) билан айнийлаштирмаслик имконини беради. Хулоса қилиб айтганда, қадрият бирор бир тарзда ва шаклда зоҳир

бўладиган, субъект учун муайян таъсирини намоён қиладиган воқеликнинг турли-туман шакллари, кўринишлари, нарсалар, ҳодисалар, жараёнлар, муносабатлар, турли сифатлар, хусусият, ахлоқ ва маънавийлик мезонлари ҳамда бошқаларнинг субъект учун ижтимоий аҳамияти ва қадрини ифодалайдиган умумий аксиологик категориядир”[2, 66]. Қадриятлар онгдаги ҳар қандай мавҳумлик қатори воқеланиш эҳтиёжига эга. Ушбу еҳтиёжни инсон тасарруфида бўлган тил ўз воситалари орқали қондиради ва қадриятларни воқелантиради. Ушбу воқеланиш жараёни миллий интерпретатсиясиз кечмайди, албатта. Чунки оламнинг лисоний манзараси этномаданий жамоанинг лингвокреатив фаолияти натижаси бўлиб, ҳар бир жамоа оламини белгилашнинг ўзига хос воситаларига эга, шунингдек, ҳар бир жамоада оламини идрок етишнинг асрлар давомида шаклланган тизими мавжуд.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Антик даврда Арасту қадриятларнинг “қадрланувчи” (хушхулқлик, қалб, ақл), “мақтовга сазовор” (мақтовга арзийдиган хатти-ҳаракатлар) ва “эҳтимолий” (кучлилик, гўзаллик, бойлик, ҳукмронлик) турларини ажратади[3, 271]. Фалсафада бу атама илмий билимлар соҳасига ўтган асрнинг иккинчи ярмида немис файласуф ва социологи Г.Лоце томонидан киритилган[4, 135]. Кейинчалик В.Виндельбанд ва Г.Риккертлар илк бор қадриятлар назариясини яратиб, уларни фалсафада марказий ўринга кўтардилар ва маданият феномени сифатида таърифладилар [5, 103]. 1960-1970-йилларда М.Рокич ўз асарида барча қадриятларни икки тоифага: терминал (индивидуал мавжудлик мақсадлари билан боғлиқ бўлган) ва инструментал (хатти-ҳаракатлар усуллари ва ушбу мақсадларга эришиш усуллариини белгилайдиган) қадриятларга ажратди[6].

Биз, ўрганилган фикрларга асосланиб, қадрият деганда маълум бир тарихий давр ва муҳитда ижтимоий аҳамиятли бўлган, ижобий баҳоланувчи, ўзига нисбатан интилиш уйғотувчи идеал ҳодисаларни тушунамиз. Миллий қадрият эса миллат ҳаётида шу талабларга жавоб берувчи, маълум поғонавийликда жойлашган, жамиятда ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ва унинг аъзоларида ижобий ҳиссиёт уйғотувчи мазмундир. Мазкур мазмун инсонлар онгида жойлашган бўлиб, объект билан тўқнашганда воқеланади, шу тарзда объектнинг ўзи қадриятли мазмунга эга бўлади [7, 69].

ТАҲЛИЛЛАР ВА НАТИЖАЛАР

Сўз қадриятларга лингвомаданий ёндашув хусусида кетар экан, асосий вазифаси баҳо ва қадриятларни ўрганиш бўлган аксиолингвистикага ҳам тўхталиш жоиз.

Аксиолингвистика тилни унинг лингвофалсафий табиатига урғу бериб ўрганувчи замонавий йўналиш бўлиб, у тилга инсоннинг лисоний манзараси билан боғлиқ структурага эга “борлиқнинг уйи” сифатидаги анъанавий қарашдан узоқлашади ва тилга шахснинг идрок интизومي ва кечинмалар усуллари сифатида қарашни таклиф қилади. Ушбу ёндашувда тил инсонлар ўртасидаги, олам ва ўзи ўртасидаги мулоқот воситасига, шунингдек, ўзини ўзи идентификация қилиш ва атроф-муҳит билан, жамият аъзолари билан уйғунликка интилиш жараёнларида ўзаро муносабатлар воситасига айланади.

Аксиолингвистика ва лингвомаданиятшунослик ўзаро яқин муносабатда бўлишига қарамай, аксиолингвистика ва лингвомаданиятшунослик назарий қараш ва ёндашувлари билан фарқланади. Аксиолингвистика тилни қадриятларни ифода этувчи восита сифатида ўрганади. Бунда асосий эътибор аксиологик маркерларга қаратилади. Аксиологик маркер қадриятни “таниб олиш” учун қўл келади ва

лисоний ифодаларда маданият қоидаларини кодлаштиради. Улар ассоциатив алоқалар ҳисобига қадрият ёки аксқадриятга ишора қилиши мумкин. Г.Комилова “имплицит усулда воқеланган қадрият ва баҳо талқинларида лексемаларнинг маълум бир семалари аксиологик маркерга айланиши”[8, 8; 86]ни қайд этади. Аксиолингвистикада, шунингдек, қадриятларга семантик категория сифатида қараш яққол сезилиб туради. Методлари сирасида ҳам лексик-семантик таҳлил, нутқий актлар таҳлили ҳам кенг қўлланилади.

Бизнинг фикримизча, лингвомаданиятшунослик қадриятларни ўрганишда ўз олдида кенгроқ вазифа – тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатдорлигини ўрганишни қўяди. У тилга маданиятнинг инъикоси сифатида қарайди. Лингвомаданиятшуносликнинг асосий эътибори концептлар (қадриятлар ҳам концептлардир), маданий меъёр ва миллий стереотиплардир. Методлари сирасида эса, концептуал таҳлил, лингвомаданий интерпретация ёки лингвомаданий изоҳлаш ажралиб туради. Миллий ўзига хосликни бўрттириб кўрсатиш мақсадида бошқа лингвомаданиятлар маълумотлари (масалан, оила концептининг ўзбек ва рус лингвомаданиятларида воқеланиши), қадрият ва меъёрлари билан чоғиштиришга ҳам ўрин берилади. Умуман, аксиолингвистикани лингвокультурографиянинг мантикий давоми деса бўлади. У тилда қадриятлар қай тарзда ифодаланиши ёки тил бирликларининг мазмун-мундарижасидан аксиологик узви ажратиб кўрсатишга катта эътибор беради. Лингвомаданиятшунослик тилга маданиятнинг воситаси ва воқелантирувчиси сифатида қараб, тилни фақат қадрият ифодачиси сифатида эмас, миллий-маданий меъёрлар, стереотиплар ва маданий кодларни ташувчи сифатида тадқиқ этади.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, биз ўзбек миллатининг таянч ижтимоий қадриятларидан бири бўлган **дўстлик** хусусида фикр юритмоқчимиз.

Энг муҳим маълумотларни қадриятнинг номлари – лисоний бирликлар беради. Уларнинг маъно таркиби, этимологияси қимматли маълумотларни очиқлаши мумкин. **Дўстлик** қадрияти ифодаловчилари, асосан, *дўстлик, биродарлик, ошна* ва *оғайни* бўлиб, **дўст** сўзи “қарашлари, дили, иш фаолияти яқин бўлган, иноқлик, аҳиллик билан боғланган икки ёки ундан ортиқ кишининг ҳар бири”; “яқин, ошно, таниш” (ЎТИЛ, I, 677) маъноларини, **дўстлик** сўзи эса “дўст мақомида бўлишлик; яқинлик, ошнолик; аҳиллик; меҳрибонлик” (ЎТИЛ, I, 678) маъноларини англатади. **Дўстлик** учун ўхшатиш эталонлари сифатида *ака-ука(лар)дек, оғадек, унидек* кабилар танланиши[9] **дўст** қадрининг қондошлик даражасида эканини кўрсатади. Шу ўринда *биродар* сўзининг этимологик маъноси “туғишган ака-ука” (ЎТЕЛ, III, 45) эканини эслатиш ҳам ўринлидир.

Қуръони Каримда “*Аллоҳ имон келтирганларнинг дўстидир...*” (Бақара, 257-оят) мазмунидаги ҳамда қандай сифатлар эгаси билан **дўст** бўлиш кераклиги тўғрисидаги оятлар учрайди. Бунда аслиятда қўлланган *садиқ(ун)* – **дўст** сўзи араб тилида “ростгўй”, “чин”, “садоқатли” (ЎТЕЛ, II, 390) маъноларини англатади. У билан ўзакдош бўлган *садақат(ун)* сўзи эса “ишончли бўлди” (ЎТЕЛ, II, 368) маъносини англатади. Ўзбек тилида эса “содиқлик” ёки “садоқатли” маъноларида қўлланилиб, **дўст**нинг сифати ҳамдир (*садоқатли дўст, содиқ дўст*). Номинациянинг тасодикий жараён эмаслигини эътиборга олиб, айтиш мумкинки, инсон **дўстидан**, биринчи навбатда, садоқат кутади. Мақолларда ушбу ҳолат қуйидагича аксланади: *Дўст бошга иш тушганда билинади; Дўст дўстни кулфатда синар, одам одамни – меҳнатда; Дўстлик синовда чиниқар* (ЎХМ).

Ўзбек миллий менталлиги инсон ўзига муносиб дўст танлашини ҳам қайд этади: *Агар одамни билмоқчи бўлсанг, унинг дўстига боқ; Дўстингнинг кимлигини айт, мен сенинг кимлигингни айтиб бераман (ЎХМ).* Дўстлик ҳақидаги қарашлар ўз аксини топган сентенцияларда, аввало, унинг инсонга кераклиги, дўстнинг кўп бўлиши лозимлиги, шунингдек, бошқа сифатлари акс эттирилади: *Душманинг битта бўлса ҳам кўп, дўстинг мингта бўлса ҳам кам (ЎХМ); “Дўст қидир, дўст топ жаҳонда, Дўст юз минг бўлса оз” (Е.Воҳидов); Аҳмоқ дўст ёвдан ёмон; Чин дўст борингни оширар, Йўғингни яширар; Ҳисобдан адашсанг ҳам, дўстдан адашма (ЎХМ).* Дўстнинг дўсти учун қайғуриши ўзининг қуйидагича образли ифодаларига эга бўлади: *Таънанинг ёғидан, дўстнинг таёғи яхши; Дўст ачитиб гапирар, душман – кулдириб (ЎХМ).*

Миллий адабиётимизда мазкур қадриятга бир қатор мурожаатлар ўрин олган. Масалан:

*Дўст билан обод уйинг,
Гар бўлса у вайрона ҳам,
Дўст қадам қўймас эса,
Вайронадир кошона ҳам. (Е.Воҳидов. Дўст билан обод уйинг)*

Келтирилган тўртликда *обод, кошона* сўзлари дўстлик қадриятининг аксиологик маркери вазифасини бажаради.

Қуйидаги мисраларда дўстликнинг кенг маънода *яқин, меҳрибон, дардкаш* маъноларида қўлланилишига гувоҳ бўламиз:

*Ота-онага ўғил-қиз меҳрибондир дўст бўлса,
Ҳатто севган севгилинг ҳам вафодордир дўст бўлса,
Юзни бурма оға-уни гарчи минг хил сўз бўлса,
Етти ёт бегоналар ҳам биродардир дўст бўлса,
Майли ҳар не сўз бўлса, дўст бўлсанг ёнимда тур. (Қўшиқдан)*

Келтирилган мисраларда инсоннинг ўғил-қизи, севгилиси ҳам дўст бўлсагина меҳрибон ва вафодор бўлиши акс этган. Демак, мазкур мисраларда дўстликнинг қадри шу қадар баланд қўйилганки, ушбу хислатсиз яқинлар ҳам садоқатли бўла олмайди. Ўзбек тилида “ёнида турмоқ” ибораси “қўллаб-қувватламоқ” маъносини англатади. Ушбу ибора “Ўзбек тили фразеологизмларининг изоҳли луғати”га киритилмаган бўлса-да, буни бир қатор контекстлар далиллайди: *Мен бир ўзим келиб-кетдим. Шунақанги юрагим ачиди. Онам биринчи имтиҳонингга ўзим бораман, ёнингда тураман деганди*[10]; *Бойқаро саройида бир умр нуфузли лавозимларда ишлаши қайд этилади. У шоҳ дўстини қўллаб-қувватлаб, ҳар доим ёнида турди, унга беминнат ва садоқат билан хизмат қилди*[11]. Демак, дўстнинг ўз биродари ёнида туришининг ўзиёқ унга далда ва қувват беради (турли маъракаларда мезбоннинг ёнида эркаклар туришини эсланг).

Ўзбек тилида турғун ўхшатишлар орқали юқоридаги қадриятнинг *ака-ука(лар)дек, оғадек, унидек, туғишганлардек, кўздек, қош-у кўздек*[9] тарзида ўз ифодасига эга бўлиши яна бир бор дўстлик ва қондошлик муносабатларининг яқин эканини тасдиқлайди.

Кўринадик, дўстлик садоқат билан ассоциацияланувчи қадрият бўлиб, дўст бир қатор шартларга ҳам жавоб бериши керак. Шу маънода ўзбек менталитетида инсон ўзига муносиб дўст танлайди деган стереотип ҳам мавжуддир.

ХУЛОСАЛАР

Хулоса қилиб айтганда, лингвомаданиятшунослик миллий дунёқараш, маданий қадриятлар ва менталитетнинг тилда қай тарзда акс этилиши ва сақланишини ўрганиш билан шуғулланади. Демак, лингвомаданий таҳлил тил бирликлари орқали маданиятга тегишли маълум бир хулосалар бера олиши керак. Қадриятларни лингвомаданий жиҳатдан ўрганиш, биринчи навбатда, маданият меъёр ва қадриятлари тилда қай тарзда сақланиши ва тил орқали узатилиши, тилда инъикос топган миллий менталликнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш, шунингдек, маданиятлараро мулоқотни яхшилаш имконини беради. Айниқса, миллий бирликни сақлаш, замонавий таҳдидлар олдида миллий мафкуранинг курашувчанлигини таъминлаш учун қадриятларни ўрганиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алефиренко Н. Лингвокультурология: ценностно-смысловое пространство языка: Учеб. пособие. – М.: Флинта: Наука, 2010. – 224 с.
2. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (аксиология). – Тошкент: Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2004. – Б. 61.
3. Сергиенко Н.А. Лингвоментальная антропосфера как фактор категоризации лингвокультур: Дисс... док. филол. наук. – М., 2023. – С. 271.
4. Солонин Ю.Н., Каган М.С. Культурология: Учебник. – М.: Высшее образование, 2007. – С. 135.
5. Виндельбанд В. Философия в немецкой духовной жизни XIX столетия: Пер. с нем. Послесл. П.С.Гуревича. – М.: Наука, 1993. – 103 с.
6. Rokeach M. The Nature of Human Values. – New York: Free Press, 1973. – 438 р.
7. Usmanov F.F. O'zbek milliy qadriyatlarining lingvomadaniy aspekti: Filol. fan. dok. ...diss. – Andijon, 2024. – В. 69.
8. Комилова Г. Ўзбек тилидаги мақолларнинг аксиолингвистик таҳлили: Филол. фан. б. фалс. док. дисс. – Тошкент, 2022. – 167 б.
9. Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – 320 б.
10. Йиғламасдан эшитиб бўлмайдиган жамият муаммоси: ўзини-ўзи вояга етказётган болалар // URL: <https://rost24.uz/uz/news/562>
11. Эрали Б. Ҳазрат Навоий нега уйланмаган? “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси // URL: <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/21996>
12. Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – 320 б.